

# Мундарижа

## Истиқбол

Наргиза МУМИНОВА.  
Тўқимачилик маҳсулотлари бозори ва унинг ривожланиш истиқболлари 3

## Реструктуризация

Шохия ТўЛАГАНОВА, Бахтиёр ДЖУРАЕВ. Саноат корхоналарини реструктуризациялашни бошқариш муаммолари 6

## Хусусий капитал

Сарсенгалий БАЙЖАНОВ, Хурлиман САПАРОВА.  
Акциядорлик жамиятларида хусусий капитални шакллантиришнинг ташкилий масалалари 9

## Таҳлил

Лазиз ХУДОЁРОВ. Қарши шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг кўп омилли эмпирик моделини яратиш 14

## Тадбиркорлик

Юлдуз УРУНБАЕВА. Аҳоли турмуш даражасини оширишда кичик тадбиркорликнинг ўрни 19

## Корпоратив бошқарув

Тоштемир БЕРДИЕВ. Корпоратив бошқаруving моделлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари 23

## Рақобатбардошлик

Бахтияржон МУЛЛАБАЕВ.  
Корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлашда вертикал интеграциядан фойдаланиш 28

## Сугурта

Шаҳноза ТОЖИБОЕВА, Муқаддас ЭРГАШЕВА.  
Сугурта ташкилотларида молиявий натижалар аудитида таҳлилий амаллардан фойдаланиш 31

## Туризм бозори

Дилфуза БАБАБЕКОВА, Жамолддин ХОШИМОВ. Туризм хизматлари бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва шарт-шароитлари 34

## Бошқарув

Муроджон МАМАТҚУЛОВ.  
Кўп квартиралли уйларни уй-жой мулкдорлари шirkати томонидан бошқариш 37

## Логистика

Жаҳонгир МИРКАСИМОВ.  
Логистика соҳасида ҳисоб юритишнинг зарурияти хусусида 41

## Қишлоқ хўжалиги

Султанияз БАЛТАШОВ.  
Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари 44

## Инновация

Барно КЕНЖАЕВА. Ўзбекистонда логистика ривожланишнинг инновацион тамойиллари 48

## Инвестиция

Маъсума ТАИРОВА, Мақсад УРАКОВА.  
Замонавий шароитларда инвестициялар жалб этишни ривожлантириш масалалари 51

## Рақобат

Гулчехра ЮСУПХОДЖАЕВА. Автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш 54

## Кун мавзуси

Норбўта БАБАХАЛОВ. Транспорт логистикаси ва уни ривожлантириш истиқболлари 58

## Олий таълим

Ғулом ХАКИМОВ. Республика олий таълим тизими ривожланиш самарадорлигини бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари 62

## Долзарб мавзу

Жонибек ФАРМАНОВ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг асосий омил 65

## Назария

Камилла СУЮНОВА. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётдаги ва уни тартибга солишдаги роли тўғрисидаги илмий қарашлар эволюцияси 68

## Услубиёт

Камолддин ИБОДОВ.  
Ресторан хизматларининг инновацион салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш услубиётини такомиллаштириш 74

# Содержание

## Финансовый рынок

Хадича КАДИРОВА. Современное состояние развития инфраструктуры регионального финансового рынка Наманганской области 79

## Рейтинг экономики

Хилола ОЧИЛОВА, Феруза ИСРАИЛОВА.  
Повышение позиций Узбекистана в международных рейтингах 82

## Финансы предприятия

Дилноза ТАДЖИБЕКОВА.  
Сущность финансовых ресурсов предприятия и проблемы их формирования в современных условиях 85

## Предприятие и инновации

Феруза МАТЧАНОВА.  
Инновационная активность предприятия как главная движущая сила экономического роста 88

## Economy of tourism

Dilorom KHUSANOVA.  
Problems in strengthening and managing the finances of tourism enterprises 91

**ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ**

**ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ**

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА**

**Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.**

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

**Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

**Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

**Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

**Нагмет АИМБЕТОВ**

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

**Юрий ОДЕГОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

**Игорь БУТИКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин КАЛОНОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

**Адҳам БЕКМУРОДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Мухиддин ПЎЛАТОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

**Дурбек АХМЕДОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Бахтиёр ИСЛОМОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

**Баҳодир УМУРЗАКОВ**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

## Замонавий шароитларда инвестициялар жалб этишни ривожлантириш масалалари

### Вопросы развития инвестиций в современных условиях

### Issues of development of investment in modern conditions

Маъсума ТАИРОВА,  
Мақсад УРАКОВА

Бухоро давлат университети катта ўқитувчилари.

#### Аннотация

Мақолада иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида инвестицияларни жалб этишнинг аҳамияти ва объектив зарурияти ёритилган. Шунингдек, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳамда қулай инвестицион муҳит яратишнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

В статье подчеркивается важность и объективная необходимость привлечения инвестиций на современном этапе экономического развития. Также обозначены основные направления проведения активной инвестиционной политики и создания благоприятного инвестиционного климата.

The article highlights the importance and objective necessity of attracting investment at the current stage of economic development. It also outlines the main directions of pursuing an active investment policy and creating a favorable investment climate.

Бугунги замонавий шароитларда жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар билан таъминлаш, халқаро бозорда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, рақобатбардош ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун миллий иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Ҳозирги кунда глобал ҳодиса ҳисобланган COVID-19 пандемиясининг бутун дунё бўйлаб тарқалиши натижасида жаҳон ҳамжамиятида кузатилаётган глобал инқирознинг таъсирини камайтиришда ҳам миллий иқтисодиётга инвестициялар жалб этиш ҳажмини ошириш асосий вазифалар қаторига кирмоқда.

Соҳага оид илмий адабиётларда қайд этилишича, халқаро бозорларнинг ўзгарувчанлиги ва номаълумлиги шароитида инвестиция қўйилмалари самарадорлигини баҳолаш усулларида таваккалчилик омилларининг ҳисобга олиншини, инвести-

циялашни тартибга солиш ҳамда ҳудудлар ва иқтисодий тармоқлар ўртасида тўғри тақсимланишни талаб этади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда ҳам мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш ҳажмини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш каби устувор вазифалар белгилаб берилган [1]. Ушбу вазифалар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини

**Калит сўзлар:** иқтисодий ривожланиш, инвестиция, хорижий инвестиция, капитал, инвестиция сиёсати, қулай инвестицион муҳит, инвестицион муҳит жозибadorлиги.

амалга оширишга қаратилган фаол инвестицион сиёсатни олиб бориш, шунингдек, қулай инвестицион муҳит яратишда муҳим ўрин эгаллайди.

2020 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтган “Инвестициявий ва ташқи савдо фаолияти соҳаларида 2020 йилнинг дастлабки натижалари ва 2021 йилга мўлжалланган вазифалар” муҳокамасига бағишланган видеоконференцияда бутун жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдорининг 40 фоизга пасайиши ва 2020 йилда жаҳон савдоси ҳажмининг 25 фозга камайиши фониди, Ўзбекистонда йил якуналари бўйича жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми аввалги йилдагига нисбатан ошиб, 6,6 млрд. долларга етиши ва экспорт кўрсаткичи – 15,1 млрд. доллар миқдориди бўлиши прогноз қилинаётганлиги таъкидланди. Ушбу кўрсаткичларга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, ахборот-коммуникация, электр, кимё ва енгил саноат соҳаларида йирик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, кон-металлургия ва транспорт соҳаларида товар ҳамда хизматлар экспортини сезиларли даражада ошириш орқали эришилганлиги қайд этилди. Прогнозга кўра, 2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 7,5 млрд. долларни, экспорт ҳажми эса 17 млрд. долларни ташкил этади. Инвесторларни жалб этиш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги ишларни янада самарали ташкил этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди [4].

Белгиланган мақсадларга эришишнинг энг иттиқболли воситаларидан бири – тадбиркорларда капитал қўйилмалар ва замонавий технологияларни энг самарадор тармоқлар – “ўсиш нуқталари”га жалб этиш орқали мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва янгиларини яратиш имкониятларини ҳолисона таҳлил қилиш эканлиги қайд этилди.

Миллий иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар қандай кўринишда бўлмасин, у рақобат муҳитини ривожлантириш, рақобатга бардошли маҳсулот турини ишлаб чиқаришни тезлаштириш, шунингдек, замонавий инновацион, илғор техника ва технологиялар олиб келиш ҳамда иқтисодиётни диверсификациялашни амалга оширади. Таъкидлаш жоизки, инвестициялар жалб этиш юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни тезлаштиради ёки мавжуд ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга ёрдам

беради.

Хорижий инвестициялар таркибидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан кўпроқ миқдорда капитал жамғариш, тўлов балансини қўллаб-қувватлаш ва импорт қилиш имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар алоҳида корхоналарнинг фаолияти, ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ҳамда менежмент тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Мазкур жараёнлар маҳсулот ва хизматлар етказиб беришчилар, буюртмачилар, рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиш орқали ички бозорни ривожлантириш, ишчиларнинг малакаси ва амалий тажрибасини оширишда ёрдам беради.

Мамлакат иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш ҳажмини оширишда давлат томонидан амалга ошириладиган фаол инвестиция сиёсати ўзига хос аҳамият касб этади. Инвестиция сиёсати давлатнинг жамиятда моддий неъматларни такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга инвестиция воситаларини сафарбар қилишга доир функцияси бўлиб ҳисобланади.

Инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш учун қулай инвестиция муҳитини яратишга хизмат қиладиган қатор институтларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон иқтисодиётида самарали амал қилувчи модел бозор тизимига таянади ва миллий иқтисодиётнинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланади. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кўп жиҳатдан беқиёс, қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асослар мавжуд. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш дастуруламал бўлиб ҳисобланади. Бу орқали янги технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига кенг жорий этиш, янги

иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

Мамлакатда қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва амалга оширишнинг муҳим асосларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Инвестицион муҳитнинг жозибadorлиги мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси учун инвестиция захираларининг чет эл манбаларига мурожаат этилиши ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида даврнинг ҳам стратегик, ҳам жорий масалаларини ҳал қилиш заруриятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу вазибалардан энг муҳимлари сифатида:

- минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги номуносивбликларни бартараф этиш;

- мамлакатнинг айниқса, минтақалар экспорт салоҳиятини кучайтириш; импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш;

- рақобат муҳитини ривожлантиришга ёрдам берадиган иқтисодиётнинг хусусий ва аралаш секторлари фаолиятини ошириш; бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш ва янгиларини яратиш ва бошқаларни келтириш мумкин [2].

Хулоса ўрнида айтганда, замонавий шароитларда мамлакат миллий иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш ҳажминини оширида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, бюджетга солиқ тушумларининг ошиши, экспортнинг кўпайиши ва янги иш ўринлари яратилиши билан ажралиб турадиган энг юқори иқтисодий самарага эга инвестиция лойиҳаларини биринчи ўринга қўйиш лозим. Молиявий кўмак бериш, узлуксиз газ, электр энергияси ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, шунингдек, хорижий мижозларни топиш ва маҳаллий маҳсулотларни илгари суришнинг мавжуд бўлган воситаларидан фаол фойдаланиш орқали янги истиқболли бозорларга чиқишни назарда тутган ҳолда экспортчилар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни таъминлаш жуда муҳим масалалар бўлиб ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

2. Б.Т. Байхонов Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларни тармоқлараро тақсимлашнинг эконометрлик моделлаштириш услубиятини такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацич автореферати. Т.:2018 й. 74 б.

3. С.С. Насретдинов Миллий иқтисодиётни модернизациялашда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари ва самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.:2008. 24 б.

4. <https://mift.uz/uz/news/investitsijavij-va-tashi-savdo-faolijati-soalarida-2020-jilning-dastlabki-natizhalari-va-2021-jilga-mulzhallangan-vazifalar-muokama-ilindi>

# Автомобиль транспорти корхонаси рақобат салоҳиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш Улучшение конкурентной системы управления автомобильным предприятием Improvement of competitive management system of motor vehicle enterprise

Гулчехра ЮСУПХОДЖАЕВА,  
Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника  
университети катта ўқитувчиси.

## Аннотация

Мақолада автотранспорт корхоналари рақобатдошлигини талаб даражасига эришишини режалаштириши, тизим фаолиятини ташиқил этиши, иқтисодий самарадорликка эришиши тамойиллари, шунингдек, салоҳиятини бошқариши стратегиясини амалга оширишдан кўзланадиган умумий натижа ва рақобат устунликлари кўриб чиқилган.

В статье рассматриваются вопросы планирования обеспечения конкурентоспособности автотранспортных предприятий, организации системы, а также принципы достижения экономической эффективности. Обсуждаются общие результаты и конкурентные преимущества, ожидаемые от реализации стратегии управления мощностями.

The article describes planning to ensure competitiveness of road transport enterprises, organization of the system, as well as principles for achieving economic efficiency. It also reviews overall results and competitive advantages expected from the implementation of the capacity management strategy.

Автотранспорт сектори мамлакатимизнинг иқтисодий майдонини боғлайдиган стратегик муҳим тармоқ соҳасидир. Сўнгги йиллар ичида ушбу соҳада ривожланиш тизим муаммолари (бошқарув сифати, асосий воситалар амортизацияси ва иқтисодиётнинг замонавий талабларига жавоб бермайдиган транспорт инфратузилмалар) бугунги кунда тўлиқ ҳал этилмаган. Транспорт хизматларига бўлган талабнинг ўсиши рақобатдошлик даражасининг ошишига олиб келади. Жамият ва иқтисодиётнинг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондириш, замонавий шароитларни ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Ҳар қандай иқтисодий фаолиятни бошқариш

тизими кўплаб бир-бири билан ўзаро боғланган элементлар мажмуидан иборат бўлиб, ушбу элементларнинг ҳар бири умумий натижага эришишда маълум бир даражада таъсир кўрсатади. Шунинг учун, рақобатдошликни бошқариш тизими ва ташкил этувчи элементларини тизимли ёндашув асосида ўрганишда унинг техник, технологик, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва психологик жиҳатлари ўзаро алоқадорликда кўриб чиқилади.

Автотранспорт корхоналари рақобатдошлигини бошқариш тизимини замонавий менежментнинг умумэътироф этилган функцияларига монанд равишда маълум бир босқичлар поғонасида ўзига хос вазибаларни бажариш жараёнлари ҳалқаси сифатида қуйидаги мантиқий кетма-кет-

**Калит сўзлар:** рақобатдошлик, автотранспорт корхоналари, бошқариш, транспорт хизматлари.